

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛФУЗА РАХМАТОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛИ КЕЧГАН АЁЛЛАРДА
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР БУЗИЛИШИНING ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНING АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедова Дилфуза Рахматовна

Ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар
бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш 3

Ахмедова Дилфуза Рахматовна

Особенности и коррекция микроэлементных нарушений у женщин с
осложненным течением беременности 21

Akhmedova Dilfuza Rahmatovna

Peculiarities and correction of trace element disturbances in women with
complicated pregnancy course 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛФУЗА РАХМАТОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛИ КЕЧГАН АЁЛЛАРДА
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР БУЗИЛИШИНING ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНING АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотация

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг кескин ошиши, меъёрий даражадаги ҳомиладорлик жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Аёллар орасида камқонлик европа минтақасига нисбатан Осиё ва Африка минтақасида кун сайин ортиб бормоқда. ЖССТнинг 2016 йилдаги статистик маълумотларига кўра «...ҳомиладорлар орасида камқонлик Ҳиндистонда 50,1%, Лао Периолида 45,7%, Омонда 41,8%, Иорданияда 37,1%, Япононияда 34,1%ни, қолган давлатларда 29,0%гачани ташкил қилади. Фертил ёшидаги аёлларда эса 15,7%дан 46,8%га камқонлик қайт қилинган...»¹. Ҳомиладор аёлларда камқонликнинг ошиши ҳомиланинг ривожланишига ҳам салбий таъсир қилади. Илмий тадқиқотлар натижасида аниқланишича «...ҳомиладорлар организмида микроэлементлар миқдори ва унинг ҳомиланинг ривожланишига боғлиқлиги баҳоланган...»². Олиб борилган илмий изланишлардан маълумки «...инсон организми таркибидаги микроэлементлар ҳомиладорликнинг кечиши, ҳомила ва чақалоқ ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳомиланинг меъёрий ривожланишида микроэлементлар алмашинувининг муайян кучайиши назарда тутилади...»³. Ҳомиладор аёллар организмида эссенциал микроэлементлар етишмовчилиги ҳомиланинг ўлик туғилиши, чала туғилиш, туғма нуқсонлар, ҳомиланинг она қорнида ривожланишидан орқада қолиши, шунингдек, туғруқ фаолиятининг сустлиги, бачадондан атоник қон кетишлар, онада таъм сезишнинг бузилишига сабаб бўлади. Ушбу муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш тизимини яратиш бугунги кунда тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялашнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Репродуктив ёшдаги аёллар ва уларнинг болаларининг соматик саломатлиги, гестация даврининг клиник кечиши ва оилаларда тиббий маданият даражасини ошириш, камқонлик ривожланишининг эндоген ва экзоген омиллари таъсирини асослаш ҳамда оила аъзолари орасида, ўсмир қизларда микроэлементозлар шаклланиш механизмларини овқатланиш рационали ва истеъмол қилинадиган сув сифатини ҳисобга олган ҳолда баҳолашдан иборат. Ҳомиладорлар организмидаги микроэлементоз дисбаланси билан гестация ҳамда перинатал давр асоратларининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини асослаш ҳамда ҳомиладор аёлларда микроэлементозларни бирламчи тиббиёт бўғинида эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ ЖССТнинг 2016 йилдаги йиллик ҳисобтининг натижалари

² Микроэлементы: бодрость, здоровье, долголетие / А.В. Скальный. – М : Медицина, 2010. –288 с

³ Витамины. Макро-микроэлементы. Справочник. / В.В. Горбачев, В.Н. Горбачева.– медицинская энциклопедия и справочник, 2011.– 432 с.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ҳудудларни инсобатга олган ҳолда ўсмир қизлар ва аёллар орасида микроэлементлар етишмаслиги оқибатидаги касалликларни камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида соматик касалликларни камайтириш, ҳомиладор аёллар орасида камқонлик ва йод танқислик касалликларни камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 30-40 йил ичида дунёнинг қатор мамлакатларида фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар организмда микроэлементлар етишмаслиги ва унинг асоратлари қайт қилиниб келинмоқда. Репродуктив ёшидаги аёллар орасида микроэлементлар (МЭ) алмашинуви, унинг ҳомила шаклланиши ва чақалоқ ривожланишидаги ўрни нуқтаи назаридан ҳомиладорлик асоратларининг патогенетик ривожланиш механизмлари ўрганилмаган. Шунингдек, микроэлементозларнинг ривожланиш механизмлари ҳақида маълумотлар

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

мавжуд эмас (Чурилов Л.П ва ҳаммуал., 2017, Rezende V.B et al., 2015). Ўсмир қизларда микроэлементозлар ривожланишининг сабаб-оқибатлари ўрганилмаган. Бу долзарб аҳамиятга эга, чунки қизлар мавжуд МЭ танқислиги билан ҳомиладорлик жараёнига ўтадилар. Бу қизларни бўлажак оналикка тайёрлаш зарурлигини асослаб беради.

Мамлакатимиз соҳага оид олимларнинг илмий ишлари турли аҳоли гуруҳларининг овқатланиш рационидаги микроэлементларнинг гигиеник меъёрларини таҳлил қилиш, репродуктив ёшдаги аёллар орасида камқонлик касаллигини даволаш ва олдини олишга қаратилган (Ю.К.Джжабарова,1993, 2013, Ж.А.Азимова, 2008, Д.Қ.Нажмутдинова, 2015, Ш.А.Бабджонова, 2012, 2017, Шайхова Г.И., 1993, 1998, 2018; Эрматов Н.Ж., 2019), бироқ, ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш клиник жиҳатдан илмий асослашга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати ушбу муаммоларни ўрганишдан иборат. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманининг экологик нохуш шароитларида, ва ҳомиладорлик асоратларининг ривожланишида микроэлементозлар роли ўрганилмасдан қолмоқда. Микроэлементоз ривожланиш механизмини МЭнинг организмга тушишини асосий манбалари бўлмиш озиқ-овқат, ичимлик суви билан тушиш механизмлари хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлаштириш талаб этилади. Тадқиқотда ҳомиладор бўлиш олди (предгравидар) даврида микроэлементлар сақловчи препаратларни қўллаш орқали гестация жараёнидаги асоратларни олдини олиш зарурлиги яққол намоён этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳомиладорлик кечиши асоратланган аёлларда микроэлементлар бузилиши хусусиятлари ва коррекцияси» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳомиладорлик кечиши асоратланган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комплекс текширувлар асосида Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани репродуктив ёшдаги аёллари ва улар болаларининг соматик саломатлиги, гестация даврининг клиник кечиши ва оилаларда тиббий маданият даражасини баҳолаш;

оила аъзолари ўртасида, ўсмир қизларда микроэлементозлар шаклланиш механизмларини овқатланиш рациони ва истеъмол қилинадиган сув сифатини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

ҳомиладорлар организмидаги микроэлементоз дисбаланси билан гестация ҳамда перинатал давр асоратларининг ўзаро боғлиқликларини баҳолаш;

ҳомиладор аёлларда микроэлементозлар профилактикаси ва давоси бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини 2014-2018 йилларда Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида яшовчи 145 нафар ҳомиладор аёл (асосий гуруҳни 115 ҳомиладор, назорат гуруҳини 30 нафар ҳомиладор ташкил этди), 155 нафар шахс, шундан 100 нафари катталар (ота-оналар), 55 нафари болаларни (ўсмир-қизлар) ташкил қилди. Бундан ташқари репродуктив ёшдаги 72 нафар аёл орасида сўровнома ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг соматик статуси, олдинги ҳомиладорликлар кечиши, тўғри овқатланиш, контрацепция борасидаги билимлар, сув таъминоти, ижтимоий-маиший турмуш шароитлари, клиник ва биокимёвий таҳлиллар учун аёллардан олинган веноз қон ва қон зардобининг таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

ҳомиладорлар ва уларнинг оила аъзоларида микроэлементозлар шаклланишининг патогенетик механизмлари, аёлларда ҳомиладорлик кечишининг енгил даражадаги преэклампсия ривожланиши, гестациянинг кечки муддатлари, пиелонефрит, сийдик-тош касаллиги ва сурункали пиелонефрит даржасининг ортишида кореляцион боғлиқлик асосланган;

ҳомиладорларда темир танқислиги анемияси билан ҳомиладорлик асоратларининг шаклланиши ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

ўсмир қизлар ва ҳомиладор аёллар орасида сифатсиз овқатланиш тартиби, кунлик рацион таркибидаги қатор микроэлементларнинг етишмаслиги, истеъмол қилинадиган сув сифатини белгиланган талабларга мос келмаслиги, микроэлементлар алмашинуви бузилишининг ривожланишига олиб келиши исботланган;

ўсмир қизларнинг саломатлиги ҳолатини таҳлили организмидаги микроэлементлар етишмовчилиги, бўлажак оналар ва оналар организмида микроэлементлар алмашинувининг бузилишига олиб келиши, микроэлементозларни даволашда предгравидар (ҳомиладор бўлиш олди) тайёргарлик тамойиллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагидан иборат:

туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар саломатлигининг паст индекси баҳоланган;

ўсмир қизлар оналар касалликларига ўхшаш патологияларга ва мос равишда микроэлементлар чуқур танқислиги баҳоланган;

ҳомиладорларда соғломлаштириш чора-тадбирлар комплексида ва предгравидар даврда бўлажак ҳомиладорликка тайёрлаш мақсадида микроэлементоз коррекциясини тавсия этиш зарурлиги баҳоланган;

ҳомиладорликни режалаштириш жараёнида «Витрум Пренатал»ни қўллаш тавсия этилиб, бу гестация ва перинатал давр асоратларини камайтириш имконини яратади ва соғлом авлод туғилишига ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, лаборатор ва статистик усуллар асосида ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш асослари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти ўсмир қизларда она организмидаги эссенциал микроэлемент танқислиги билан бирга кечадиган соматик патология мавжудлиги ҳисобланади. Ҳомиладорликнинг асоратли кечиши микроэлемент танқислиги ва экстрагенитал касалликлар оғирлиги билан бевосита боғлиқ. Микроэлемент танқислиги нотўғри овқатланиш ва сифатсиз сув истеъмол қилинганда яна оғирлашишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладорлик асоратларини олдини олиш мақсадида сурункали бирга кечувчи касалликларни даволаш билан бир вақтда ҳомиладор бўлиш олди (прегравидар) даврида микроэлементлар бузилишларини коррекциялашни амалга ошириш ҳамда ўсмир қизларни бўлажак оналикка тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар комплексига микроэлементлар коррекциясини киритиш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Темир танқислиги камқонлиги билан хасталанган ҳомиладорларда микроэлементлар бузилишларини коррекциялаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-д/89-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорлар, туққан аёллар ва янги туғилган чақалоқларда овқатланиш тартибининг бузилиши натижасида темир танқислиги камқонлиги билан хасталанган ҳомиладорларда турли хил микроэлементлар сўрилишининг бузилиши ва етишмаслиги натижасида микроэлементлар балансини бузилишларини коррекциялаш асоратларни олдини олиш ва самарали даволаш тизимини ишлаб чиқишга имкон берган;

«Оила аъзолари ўсмир қизлар орасида микроэлементозлар профилактикаси ва даволаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-д/89-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома фертил ёшидаги аёллар, оила аъзолари ва ўсмирлар қизлар орасида микроэлементлар етишмаслигини аниқлаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берган;

Ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш, оила аъзолари ўртасида микроэлементозлар профилактикаси ва давоси бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика перинатал маркази, Хоразм ва Андижон вилоятлари перинатал марказларининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 8н-з/84-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ўсмир қизлар орасида ҳомиладорликка тайёргарлик даражасини ошириш, ҳомиладор аёлларда гестация ва перинатал давр асоратлари даражасини 2,5 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация «**Гестация ва перинатал давр ривожланишида микроэлементлар аҳамиятининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб ҳомиладорлик, ҳомила, чақалоқ ривожланишида МЭ роли ҳақида маълумотлар келтирилган. Микроэлементозлар ва уларнинг гестация жараёни асоратларининг ривожланишига таъсири ҳақида тушунча берилган. Оила аъзолари ўртасида, айниқса, келажак авлод саломатлигини шакллантирувчи бўлажак оналар

бўлган ўсмир қизларда МЭ танқислиги ривожланиш механизмларини ўрганиш зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг «Гестация ва перинатал давр ривожланишида микроэлементлар ўрнини баҳолаш бўйича материал ва усуллар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва усулларига умумий тавсиф берилган. Клиник текширувлар ТошПТИ акушерлик ва гинекология кафедрасида ўтказилган. Жами 145 нафар ҳомиладор аёллар текширилган. Шундан ҳомиладорликнинг асоратли кечиши қайд этилган 115 ҳомиладор аёл ва 73 нафар чақалоқ тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этган. Назорат гуруҳига 30 ҳомиладор аёл ва уларнинг чақалоқлари киритилган. Улардан 40 нафар ҳомиладор касалхонада даволанган, 75 нафари амбулатор текширилган. Ҳар томонлама чуқур текширувлар ўтказиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича шифокорлар жалб қилинди: терапевт, гематолог, эндокринолог, УТТ шифокори, педиатр. Бундан ташқари, репродуктив ёшдаги 72 нафар аёлда – 52 нафар ҳомиладор бўлмаган ва 20 нафар ҳомиладор аёлда ва уларнинг 142 нафар фарзандида текширув тор мутахассислар кўригини ва 155 саволдан иборат сўровнома ўтказишни ўз ичига олган. Кўшимча тарзда 50 та эр-хотин жуфтлиги ва уларнинг 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган 55 нафар қизлари текширилган. Жами 155 нафар шахс. Текширилган аёллар тадқиқот ўтказилган пайтда ҳомиладор бўлмаган. Шундай қилиб, 512 пациентни текшириш натижалари илмий тадқиқотга асос қилиб олинган.

Қоннинг микроэлемент таркибини текшириш Республика Криминалистика илмий-тадқиқот марказида амалга оширилган. Тайёрланган намуналардаги микроэлементлар таркиби АТ 7500а (Agilent 7500 a. inductivety Coupled Plasma Mass Spectrometer, Япония, 2001) мосламасида миқдорий эмиссион спектрал таҳлил ёрдамида текширилган: газ - ташувчи аргон, қуввати 1310 Вт, интеграцияланиш муддати 0,1 с. МЭ аниқлаш қон зардобиди ва эритроцитларда (мкг%) амалга оширилган.


Олинган натижалар Д.Д. Курбонов, И.И. Амонов (2005) томонидан Тошкент шаҳри ҳомиладор аёллари учун ишлаб чиқилган меъёрий кўрсаткичлар билан таққосланган.

Тадқиқотдан олинган натижаларга Pentium-V персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2010 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланиб статистик ишлов берилган. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллардан фойдаланилган ва ўрганилган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадрат оғиш, ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий катталиклар (частота, %) ҳисоблаб чиқилган, ўртача қийматларни таққослаганда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) бўйича, эҳтимолий хато (P), тақсимланиш меъёрийлигини текшириш (эксцесс мезони бўйича) ва генерал дисперсиялар тенглиги (Фишер мезони – F) ҳисоблаб чиқиш билан аниқланди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар учун ишончилилик даражаси $P < 0,05$ олинган.

Диссертациянинг «Текширилган аёлларда репродуктив саломатлик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллар, уларнинг оила аъзоларининг репродуктив саломатлиги ҳолатини ўтказилган комплекс текшириш натижалари баён этилган.

Асосий ва назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллар ўртасида туғруқлар тенглиги ва ёш бўйича ишончли фарқлар аниқланмаган (1-расм). Биринчи марта туққан аёллар – 40%ни, қайта туққан аёллар – 55% ва кўп туққан аёллар – 5% ни ташкил қилди.

Соматик саломатлик ҳолати таҳлил қилинганда 98% ҳолатда турли касалликлар аниқланган. Бу касалликлар ичида энг кўп кузатилди: темир танқислиги анемияси – 96%, сурункали инфекция ўчоқлари – 46%, эндокрин касалликлар – 81%. Акушерлик-гинекологик касалликлар структурасида 26% ҳолатда кечки менархе, ғайри ихтиёрий бола ташлаш – 17,4%, преэклампсия – 11%, қон кетишлар – 5% ҳолатда аниқланган. Асосий гуруҳидаги аёллар болаларининг саломатлиги ҳолатини баҳолаш маълумотлари бўйича тасдиқланишича, соғлом деб фақатгина 45,8% бола тан олинган.



1-расм. Аёлларнинг ёшга кўра тақсимланиши

Илгари ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ТГА ривожланишида МЭ танқислигининг мавжудлиги муҳим омиллардан бири саналади, бу бизга ТГА ни микроэлементтанқис камқонлик эканини аниқлаш имконини берди (Курбанов Д.Д., Амонов И.И., 2005). Шу сабабли, биринчи марта ўсмир қизларда микроэлементоз ривожланиш механизмлари ўрганилди. Ўсмир қизлар микроэлемент танқислигининг қандай бошланғич ҳолатда турмуш қураётганлиги ва келгусида генератив функцияни амалга ошираётганлиги масаласи қизиқиш уйғотган. Шу жиҳатдан тадқиқотимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳомиладорларда қон таркибидаги микроэлемент таркибини ўрганишга бағишланган бошқа тадқиқотлардан фарқ қилган. Тадқиқотлар Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани мисолида ўтказилган, бу

ерда экологияга ножўя таъсир кўрсатадиган нефтни қайта ишловчи завод жойлашган.

Ота-оналарнинг ўртача ёши оналарда $39,9 \pm 1,50$ ёш, оталарда $42,0 \pm 1,65$ ёш ва ўсмир қизларда $15,1 \pm 0,53$ ёшни ташкил қилди. 50 та оила текширилганда ота-оналар ва оналарда мос равишда 90% ва 100% ҳолатда камқонлик мавжудлиги аниқланган, 80% аёлда эндокрин касалликлар қайд этилган. Бу касалликлар 20% эркакда кузатилган. Ҳам оналар, ҳам оталарда ошқозон-ичак йўллари (ОИЙ) касалликлари 40% ни ташкил қилган. Сурункали инфекция ўчоқлари оналарда 60% ҳолатда, оталарда эса 50% ҳолатда кузатилган. Қиз болалар саломатлиги ҳолати ҳам асоратлилиги аниқланган, болаларда 100% ҳолатда ТГА кузатилган. Эндокрин тизими касалликлари 20% қизда, ОИЙ ва сийдик ажратиш тизими касалликлари 40% ҳолатда кузатилган. Сурункали инфекция ўчоқлари текширилганларнинг 30%да аниқланган.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, қизларда ёшлик давридан бошлаб ота ва онадаги сурункали касалликлар кузатилган.

Организмга МЭ келиб тушишининг асосий манбаи овқатланиш ва истеъмол қилинадиган сув ҳисобланиши сабабли, микроэлементоз ривожланишида уларнинг ролини аниқлаш мақсадида истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ва сув таркибининг сифат таҳлили ўтказилган. Бунинг учун оиладаги ҳар бир аъзонинг ҳақиқий истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини озиқ-овқат маҳсулотларига кундалик эҳтиёжнинг меъёрий кўрсаткичлари билан таққосланган. Натижада барча озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича сезиларли танқислик мавжудлиги аниқланган, бу эса номутаносиб овқатланишдан далолат беради (1-жадвалга қаранг).

Бундан МЭ танқислиги мавжудлиги факти тушунарли, чунки овқатланиш организмда МЭнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, МЭ нинг организмга тушиши етарли эмас, бу эса камқонлик сабабларидан бири саналади ва овқатланиш сифатини яхшилаш ҳамда МЭ сақловчи препаратлар, хусусан «Витрум форте»ни қўллаш зарурлигини исботлайди.

Қондаги микроэлементлар таркибининг бузилиш сабабларидан бири сифатсиз сув ва овқат истеъмолидир. Ўзбекистонда сувни зарарлантириш учун натрий гипохлориди қўлланилади. Республикамизга олиб келинадиган натрий гипохлориди ўз таркибида катта миқдорда токсик МЭ сақлаши аниқланган.

Аҳолида микроэлементоз ривожланиш сабабларидан яна бири сифатсиз водопровод сувининг истеъмол қилиниши ҳисобланади. Кўп истеъмол қилинадиган минерал сувлардаги МЭ миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, «Шаффоф», «Нестле», «Гидролайф» сувларида барча эссенциал ва шартли-эссенциал микроэлементлар сақланади, «Шаффоф» минерал суви таркибида селен миқдори 5 баробар кўп. Шундай қилиб, МЭ сақловчи препаратлар қабули билан бирга тўғри овқатланиш, минерал сувларни мунтазам истеъмол қилиш аҳоли ўртасида микроэлементозларни олдини олишда ёрдам беради.

Тадқиқотлар кўрсатишича, эркакларда асосан эссенциал МЭ миқдори қон зардобиди ҳам, эритроцитларда ҳам оналардагига кўра сезиларли юқори. Катталар кўрсаткичларига нисбатан қиз болалардаги МЭ миқдорининг паст кўрсаткичлари эътиборни тортади. Оналарда ҳам, қизларда ҳам темир миқдорининг қон зардобиди ҳамда эритроцитлардаги миқдорининг меъёрий кўрсаткичлардан паст бўлган ($P < 0,05$).

1-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган кундалик талаб ва Қоровулбозор туманида ўрганилган оилаларда бу маҳсулотларнинг мутлақ истеъмоли


Озиқ—овқат маҳсулотлари	Кундалик эҳтиёж меъёри	Қоровулбозор туманида камқонлик қайд этилган оилалар	Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги
Гўшт, г	150	90	60
Сут, мл	500	290	210
Гуруч, г	50	40	10
Нон, г	250-300	150	150
Шоколад, г	40	10	30
Тухум, г	1-2 дона (120)	60	60
Картошка, г	100	100	0
Пиёз, г	150	100	50
Мевалар, г	200-250	100	150
Карам, г	300-600	200	400
Сабзи, г	50-100	80	20
Қизил лавлаги, г	100-150	50	100
Помидор, г	200-300	100	200
Асал, г	80-100	40	60

Юқоридагиларни хулоса қилиб қайд этиш лозимки, ўсмир қизлар мавжуд камқонлик ва микроэлементоз билан турмушга чиқадилар. Тўғри овқатланишни ўз ичига олган даволаш жараёнида темир препаратлари ва «Витрум форте» текширилган оилаларда гемоглобинни 110г/л дан ошишига ёрдам берди (2-расмга қаранг).

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ аёлларида ҳомиладорлик кечиши сезиларли асоратланган – камқонлик ва микроэлементоз оғирлик даражасига тўғри пропорционал (3-расмга қаранг).

Мос равишда асосий гуруҳ аёлларида туғруқ жараёни асоратларининг энг кўп частотаси қайд этилган, вақтидан илгари туғруқлар, туғруқ пайтида қон кетишлар шулар жумласидан. Камқонликда ҳомиладорлик ҳомила тушиши хавфи билан кечиши назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда 5 баробар юқори бўлган (мос равишда 16,5% ва 3,3%). Сурункали ҳомила ичи гипоксияси асосий гуруҳдаги 68% ва назорат гуруҳдаги 12% аёлда

кузатилган. Ҳомила ривожланишининг ортда қолиши синдроми (ХРОҚС) каби асорат фақат асосий гуруҳдаги 5,2% аёлларда кузатилган. ХРОҚС частотаси камқонликнинг оғирлик даражаси ортишига тўғри пропорционал тарзда ортиб боради ($r=0,65$).



2-расм. Оила аъзоларида даволангунга қадар ва даволаниш динамикасида гемоглобин кўрсаткичлари, г/л


1-гуруҳдаги аёлларнинг 15,6% да ҳомиладорликнинг кечиши енгил даражадаги преэклампсия ривожланиши билан асоратланган. Текширилган аёлларнинг 43% да преэклампсия ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасигача, 57% да эса гестациянинг кечки муддатларида кузатилган. Асосий гуруҳдаги 39 (33,9%) аёл буйрак касалликларидан азият чекишган (пиелонефрит – 36%, сийдик-тош касаллиги – 3%). Демак, ТГА оғирлик даражаси ортиши баробарида сурункали пиелонефрит частотаси ҳам ортиши кузатилади, яъни юқори тўғри корреляция қайд этилади ($r=77$). Асосий гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлик пайтида ўткир респиратор-вирусли инфекциялар частотаси назорат гуруҳидаги ҳомиладорларга нисбатан 8 баробар кўпроқ кузатилган. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлик кечиши кўпинча унинг тўхташ хавфи, кўп ёки кам сувлилик, преэклампсия, сурункали буйрак касалликлари ва турли этиологияли юқумли касалликлар билан тез-тез асоратланади.

Асосий гуруҳдаги аёлларда туғруқлар ҳам сезиларли асоратлар билан кечган. Вақтидан илгари туғруқлар асосий гуруҳдаги 6 (8,3%) аёлда кузатилган. Қоғоноқ сувларининг вақтидан илгари кетиши асосий гуруҳдаги аёлларнинг 25% да кузатилди, яъни назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 3 марта кўпроқ – 2 (6,6%). Эҳтимол, бу асосий гуруҳдаги аёллар ўртасида сурункали бачадон ичи инфекцияси кенг тарқалганлиги билан боғлиқ. Бунинг оқибатида асосий гуруҳдаги ҳомиладорларда туғруқдан кейин йўлдош нуқсони каби асорат 3 марта кўп юзага келади (4,2%).

Асосий гуруҳда ҳам туғруқдан кейинги давр асоратли кечди. Бу гуруҳ аёлларида бачадон субинволюцияси, гематометра, метрэндометрит, лактозстаз кузатилади.

Ҳомиладорлар қонида МЭ миқдорини триместрга боғлиқ ҳолда ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳомиладорлик якунига келиб уларнинг миқдори эритроцитларда ҳам, зардобда ҳам камаёди, бу эса ҳомила томонидан МЭ истеъмоли юқорилиги билан изоҳланади. Ҳомиладорлик муддатининг ортиши баробарида МЭ концентрацияси ҳам муайян ўзгаришларга дуч келади. Асосий гуруҳдаги аёлларда Fe концентрацияси аста-секин пасаяди ва шу баробарида мис (Cu) миқдори ортади. Мис гемоглобинда Fe нинг ўрнини босиш хусусиятига эга. Асосий гуруҳдаги аёлларда барча триместрларда Cu концентрацияси соғлом аёллардагига қараганда ўн баробар юқорилиги аниқланди ($0,04 \pm 0,01$ мг% назорат гуруҳида, ва $0,5 \pm 0,09$ мг% асосий гуруҳдаги ҳомиладорларда).

Шундай қилиб, купремия ТТАга хос бўлган кўриниш ҳисобланади. Гемоглобин ҳосил бўлишида Со микроэлементининг (МЭ) роли маълум. Унинг концентрацияси соғлом ҳомиладорлардагига қараганда ўн баробар кам, яъни мос равишда $0,002 \pm 0,0002$ ва $0,0003 \pm 0,01E-0,5$ мг%.



3-расм. Асосий гуруҳдаги аёлларда ҳозирги ҳомиладорлик кечиши

Асосий гуруҳдаги аёлларда Se концентрацияси уч баробар камайган. Шу билан бирга, эритроцитларда ва қон зардобида Al, Cd, Hg каби токсик МЭ миқдори ортган. Қон эритроцитларида МЭ алмашинувининг кўрсатилган хусусиятлари қон зардобидаги МЭ натижалари билан таққосланган.

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги ҳомиладорларда соғлом аёллардагига нисбатан ҳомиладорлик ўсиши баробарида Со, Se, каби МЭ пасайиши, Fe умумий камайиши фонида Cu, Mo, Zn, Al, Hg, Cd концентрациясининг ортиши кузатилган.

Тадқиқотлар, бирга кечувчи экстрагенитал касалликлар организмда МЭ дисбалансини оғирлаштиришини кўрсатган. Эҳтимол, бу жараённинг сурункалашуви сабабларидан бири саналади.

Шундай қилиб, ҳомиладор аёлларда ҳомила ўсиши баробарида МЭ бошланғич танқислиги чуқурлашади. Бу МЭнинг ташқаридан МЭ-элемент сақловчи препаратлар кўринишида кўшимча етказилиши зарурлигини тақазо этади. Шу мақсадда витаминлар ва асосий муҳим МЭ комплексини сақловчи «Витрум пренатал» (АҚШ) препарати самарадорлиги ўрганилган.

Ҳомиладор аёллар «Витрум пренатал» (АҚШ) препаратини ҳомиладорликнинг I триместридан бошлаб қабул қилишган. Даволаниш динамикасида қизил қондаги барча параметрларнинг ишончли ортиши қайд этилди: гемоглобин миқдори $81,3 \pm 3,6$ дан $96,1 \pm 3,7$ г/л гача, эритроцитлар $2,4 \pm 0,1$ дан $3,2 \pm 0,17$ гача, гематокрит $30,5 \pm 2,6$ дан $32,1 \pm 2,8$ гача, зардобдаги темир миқдори эса $8,9 \pm 0,8$ дан $9,4 \pm 0,3$ мкмоль /л гача.

Даволаниш жараёнида МЭ миқдори кўрсаткичлари яхшиланган (2-жадвал). Темир ва селен миқдорлари эритроцитлар таркибида ҳам, қон зардобида ҳам ортган. Бунинг ҳисобига худди шу муҳитларда миснинг концентрацияси сезиларли камайган. Маълумки, темир танқислигида уларнинг ўрнини гемда мис алмаштиради. Мис концентрациясининг камайиши темирнинг гемдаги ўз ўрнига қайтишидан далолат берган. Бундай ўзгаришлар бошқа МЭ миқдорида ҳам содир бўлади. Оксиллар ва ферментларда эссенциал МЭ ни ўрнини алмаштиришга қодир токсик МЭ концентрацияси ҳам камаяди. Тадқиқотларда барча ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик бўйича назоратга олингандан бошлаб «Витрум пренатал» (АҚШ) тайинланган. Бундай тактика бизга қоннинг микроэлемент таркибини сезиларли яхшилаш, гестация жараёни кечишидаги асоратларни 2,5 марта камайтириш ва соғлом авлод олиш имконини берган. Биз томонимиздан назоратга нисбатан кўрсаткичларда: Апгар шкаласи бўйича баҳолаш, вазн-бўй кўрсаткичларида ва неонатал давр кечишида ишончли фарқ қайд этилмади.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз қизларда микроэлементоз эрта ёшдан бошланишини кўрсатган. Қизларда превентив чора-тадбирлар ўтказилмаса, мавжуд бошланғич микроэлементоз негизида ҳомиладорлик бошланиши ва гестация даврининг кўплаб асоратлари билан бирга кечиши мумкин. Бунинг асосида нотўғри овқатланиш ва Қоровулбозор тумани экологик муҳитининг ифлосланиши ётади. Ҳомиладорлик муддатининг ортиши баробарида МЭ танқислиги чуқурлашади. Бу эса ҳомиланинг ўсиб боровчи талабларига кўра ва у билан боғлиқ бошқа соматик патологияларни даволаш жараёнида МЭ-сақловчи препаратларни тайинлаш зарурлигини уқтиради. Хусусан, бизнинг тадқиқотимизда «Витрум Пренатал» препарати юқори самара кўрсатди. Минерал сувлар («Шаффоф», «Нестле», «Гидролайф») МЭнинг кўшимча манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қоровулбозор туманида яшовчи хомиладор аёлларда даволангунга қадар ва даволаниш динамикасида
хомиладорлик муддатига кўра қондаги эритроцитларнинг микроэлемент таркиби

МЭ	Эритроцитлар, мг%							
	Соғлом хомиладорлар, n=10 III триместр	I триместр n=15 (даволангунга қадар)	I триместр n=15 (даволаниш динамикасида)	II триместр n=15 (даволангунга қадар)	II триместр n=15 (даволаниш динамикасида)	III триместр n=20 (даволангунга қадар)	III триместр n=20 (даволаниш динамикасида)	
Эссенциал микроэлементлар								
Cr	0,05±0,002	0.2±0.04***	0.4±0.03***	0.2±0.06*	0.42±0.07***	0.2±0.05**	0.36±0.06***	
Mn	0,01±0,0005	0.06±0.02*	0.05±0.03	0.07±0.02**	0.04±0.01**	0.08±0.02**	0.03±0.04	
Fe	69,9±4,3	67.6±9.8	80.2±8.8	71.7±6.2	90.1±7.2*	54.6±3.7*	81.2±4.7	
Co	0,002±2.0E-0.5	0.0003±1.78E-0.5	0.0001±1.78E-0.5	0.0003±1.8E-0.5	0.0001±1.8E-0.5	0.0005±1.0E-0.5	0.0009±1.0E-0.5	
Cu	0,04±0,01	0.5±0.09***	0.4±0.08***	0.5±0.1***	0.41±0.2	0.5±0.08***	0.42±0.09***	
Zn	0,01±0,0008	0.2±0.05***	0.27±0.06***	0.2±0.08*	0.23±0.08	0.4±0.1***	0.41±0.2	
Se	0	0.1±0.01***	0.3±0.02***	0.1±0.01***	0.25±0.02	0.1±0.01***	0.22±0.03***	
Mo	0,003±0	0.004±0.0007	0.004±0.0007	0.007±0.001***	0.007±0.001	0.008±0.003	0.008±0.003	
I	0	0.004±0.0009***	0.006±0.0009***	0.003±0.0007***	0.0045±0.0008	0.003±0.0004***	0.004±0.0005***	
Ni	0,029±0,001	0.02±0.005	0.02±0.005	0.04±0.02	0.04±0.02	0.05±0.02	0.05±0.02	
Токсик микроэлементлар								
Be	0	6.6E-05±1.8E-05	5.6E-05±1.8E-05	2.9E-05±1.1E-05	1.9E-05±1.1E-05	0.0001±9.8E-05	0.0001±9.8E-05	
Al	0,2±0,04	1.4±0.6*	0.4±0.6	0.9±0.5	0.5±0.5	2.3±0.6**	1.3±0.6	
Cd	0	0.0002±5.1E-05	0.0001±5.1E-05	0.0002±3.6E-05	0.0001±3.6E-05	0.0004±0.0001**	0.0002±0.0001	
Hg	0	0.002±0.0006**	0.001±0.0006	0.001±0.0003**	0.001±0.0003**	0.002±0.0007**	0.001±0.0007	
Pb	0,04±0,004	0.007±0.001***	0.004±0.001***	0.01±0.004***	0.01±0.004***	0.01±0.004***	0.01±0.004***	

Изох: * - фарқлар соғлом гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001); E ҳарфи билан – рақамли қийматлар верулигича нуллар сони кўрсатилган.

Бу ерда тадқиқотнинг асосий хулосаси маълум бўлган, ҳомиладорликнинг муваффақиятли яқун топиши учун: 1 – бўлажак ҳомиладорликга тайёргарлик кўришда ўсмир қизларда микроэлементозни бартараф этиш зарур; 2 – микроэлементоз бузилишини аёлларда предгравидар профилактикасини ўтказиш; 3 – ҳомиладорликнинг эрта муддатларидан бошлаб МЭ – сақловчи препаратларни тайинлаш; 4 – чақалоқларда микроэлементоз олдини олиш учун эмизиш даврида ҳам МЭ – сақловчи препаратларни тайинлаш.

ХУЛОСАЛАР

«Ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементлар бузилишининг хусусиятлари ва уни коррекциялаш» мавзуидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Қоровулбозор туманида яшайдиган фертил ёшдаги аёлларда микроэлементлар алмашинуви дисбаланси билан кечадиган соматик ва гинекологик касалликлар структураси ва юқори частотаси аниқланган. Микроэлементларнинг мавжуд дисбаланси ҳомиладорлик муддати ортиши баробарида чуқурлашади ва гестация ҳамда перинатал даврлар асоратлари билан корреляцияланади. Бу микроэлементоз мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аёлларни прегравидар тайёрлаш зарурлигини тақазо этади.

2. Аёлларда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, улардаги саломатлик ҳолатининг паст индекслари тиббий маданият даражасининг пастлиги, нохуш ижтимоий-маиший шароитлар, нотўғри овқатланиш, қатор ҳолларда (26,4%) сифатсиз сув истеъмоли билан боғлиқ, буларнинг барчаси микроэлементоз ривожланишига олиб келади.

3. Ўсмир қизлар яшайдиган оилаларни текшириш овқатланиш рационалида сезиларли танқислик мавжудлигини ва қонда микроэлементларнинг шунга мос концентрациясини кўрсатди. Оқибатда ўсмир қизларда она саломатлиги ҳолатини акс эттирувчи ТГА 100% ҳолатда, экстрагенитал патологиялар 98% ҳолатда шаклланади, бундан тахмин қилиш мумкинки, қизлар репродуктив фаолиятини бажаришга эстрагенитал касалликлар ва микроэлементлар танқислиги билан киришадилар. Микроэлементоз юзага келишининг сабабларига нотўғри овқатланиш билан бир қаторда юқори миқдорда токсик микроэлементлар сақловчи сувни истеъмол қилиш ҳам киради.

4. Қоровулбозор туманида яшовчи ҳомиладор аёлларда эссенциал ва шартли эссенциал микроэлементлар танқислиги Тошкент шаҳрида яшовчи аёлларникига нисбатан яққол ифодаланган. Мос равишда токсик микроэлементлар миқдори ҳам сезиларли юқори, бу микроэлементлар сақловчи препаратлардан фойдаланиб коррекциялаш зарурлигини талаб этади.

5. Ҳомиладорлик даврида бирга кечувчи касалликларни комплекс даволаш ва прегравидар тайёргарликда «Витрум Пренатал» микроэлемент сақловчи препаратнинг юқори самарадорлиги исботланди. Бундай тактикани

амалга ошириш гестация ва перинатал давр асоратлари даражасини 2,5 мартага камайтириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВА ДИЛФУЗА РАХМАТОВНА

**ОСОБЕННОСТИ И КОРРЕКЦИЯ МИКРОЭЛЕМЕНТНЫХ
НАРУШЕНИЙ У ЖЕНЩИН С ОСЛОЖНЕННЫМ ТЕЧЕНИЕМ
БЕРЕМЕННОСТИ**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2020

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib645

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу (www.ziyouet.uz)

Научный руководитель: Курбанов Джахонгир Джамалович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Доброхотова Юлия Эдуардовна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Казахстанский Национальный Медицинский
Университет имени С. Асфандиярова
(Казахстан)

Защита диссертации состоится 27 10 2020 г. в 12.30 часов на заседании Научного Совета PhD 04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара,улица Навоий 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 08). Адрес: 200118, г.Бухара,улица Навоий 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан 12 октября 2020 года.

(Регистр протокола рассылки № 07 от « » _____ 2020 года).

Д.Т.Ходжиева

председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)

С.С.Пулатов

ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат медицинских наук

Г.А.Ихтиярова

председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Резкое повышение количества населения в мире тесно связано с нормальным уровнем процесса беременности. Анемия среди женщин растет с каждым днем в Азиатском и Африканском регионе по сравнению с Европой. По статистическим данным ВОЗ 2016 года «анемия среди беременных женщин составляет 50,1% в Индии, 45,7% в Лаосе, 41,8% в Омане, 37,1% в Иордании, 34,1% в Японии и 29,0% в других странах. У женщин фертильного возраста анемия зарегистрирована с 15,7% до 46,8%...»⁵. Повышение анемии у беременных отрицательно влияет на развитие плода. В результате научных исследований определено, что «дана оценка количестве микроэлементов в организме беременных и его зависимости от развития плода...»⁶. Как известно из проведенных исследований, «...микронутриенты в организме человека также влияют на течение беременности, развитие плода и ребенка. При нормальном развитии плода предполагается определенное увеличение метаболизма микроэлементов...»⁷. Недостаточность эссенциальных микроэлементов в организме беременных женщин станет причиной мертворождаемости, преждевременных родов, врожденных аномалий, задержки внутриутробного развития плода, а также к слабости родовой деятельности, атонических маточных кровотечений, извращения вкуса у матери. Своевременное выявление этих проблем и создание эффективной системы лечения - одна из самых актуальных задач, стоящих сегодня перед медицинскими работниками.

Во всем мире проводится ряд научных исследований, направленных на достижение высокой эффективности по особенностям и коррекции микроэлементных нарушений у женщин с осложненным течением беременности. Важно оценить состояние соматического здоровья женщин репродуктивного возраста и их детей, клиническое течение гестационного периода и уровень медицинской культуры, а также механизмы формирования микроэлементозов среди членов семьи, девочек–подростков с учетом качества потребляемой воды, рациона питания. Особое значение имеет разработка комплекса мер по профилактике и лечению микроэлементозов у беременных и корреляционные взаимосвязи между гестационными и перинатальными осложнениями с дисбалансом питательных микроэлементов в организме у беременных.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации медицинской системы по мировым стандартам, снижения и профилактики заболеваний в результате недостаточности микроэлементов среди девочек–подростков и женщин с учётом регионов определены задачи «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а

⁵ Данные годового отчёта ВОЗ 2016 года

⁶ Микроэлементы: бодрость, здоровье, долголетие / А.В. Скальный. – М : Медицина, 2010. –288 с

⁷ Витамины. Макро-микроэлементы. Справочник. / В.В. Горбачев, В. Н. Горбачева. – медицинская энциклопедия и справочник. 2011. – 432 с.

также внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание системы, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа...»⁸. Данные задачи способствуют сократить частоту возникновения инвалидности и показателей смертности вследствие осложнений факторов риска развития заболевания за счет совершенствования использования современных технологий при разработке профилактических мер по снижению соматических заболеваний среди населения, анемии и йододефицитных заболеваний.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, №ПП–2866 «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы» от 4 апреля 2017 года, а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования с приоритетным направлением развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

